

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И**

2022 йил февраль ойининг 23 куни, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанция судлов ҳайъати, ўз биносида Термиз шаҳар 9-сонли тергов ҳисбхонаси билан видеоконференцалоқа режимида очиқ суд мажлисини ўтказиб, раислик этувчи вилоят судининг судьяси А.Мирзаев, ҳайъат судьялари Т.Бекпулатов ва З.Нарзиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси О.Абдурасуловнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Ш.Мустафаев, судланувчи Ю.Ю ва унинг адвокати Р.Турсунов, жабрланувчи П.Акбутаев, жабрланувчи Ф.Акбутаевнинг вакили М.Юлдошеванинг иштирокида, суд ҳукмига нисбатан Термиз шаҳар прокурори томонидан келтирилган протест ҳамда Ю.Ю ва унинг ҳимоячиси Р.Турсунов томонидан келтирилган апелляция шикоятини жиноят иши материаллари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2021 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра,

Ю.Ю (Ю.Ю), 1986 йил 9 январь куни Денов туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, маълумоти тугалланмаган олий, И.Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети 3-босқич талабаси, судланмаган, давлат мукофотлари олмаган, Термиз шаҳри, “Ибн Сино” маҳалласи, 22-уй, 19-хонадонда рўйхатда туриб, Термиз тумани, “Янгиер” маҳалласида яшайди, унга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю.Ю, 2020 йил 29 ноябрь куни фуқаро Р.Садыковга тегишли “Спарк” русумли 01 G 192 GV давлат рақамли автомашинани яшаш уйида 9.600 АҚШ долларига пулини бўлиб тўлаш шарти билан ижарага олиб, Р.Садыковга олдиндан тўлов сифатида 2.000 АҚШ доллари (2020 йил 30 ноябрь ҳолатига кўра, 1 АҚШ доллари 10.415 сўм) пулларини бериб, автомашина учун 24 ой давомида ҳар ойда 400 АҚШ долларидан бўлиб тўлаш, автомашинани



сотмаслик ҳамда гаровга қўймаслик шарти билан олган бўлса-да, фуқаро Ф.Акбутаевга ушбу автомашинани Тошкент шаҳридан 72.500.000 сўм пулларини тўлиқ тўлаб сотиб олиб келганлигини, автомашина ўзига тегишли эканини айтиб, унинг ишончига кириб, Ф.Акбутаевнинг ишончини суиистеъмол қилиб, Р.Садыковга тегишли “Спарк” русумли 01 G 192 GB давлат рақамли автомашинани сотиб олган нархида сотишини айтиб, уни алдаб, ишончига кириб, олдиндан тўлов сифатида 26.000.000 сўм пулларини қўлга киритиб, Р.Садыковга 2020 йилнинг декабрь ва 2021 йилнинг январь ойлари учун жами 800 АҚШ доллари пулларини ойлик тўлов сифатида бериб, ўз навбатида Ф.Акбутаевдан ойлик тўловлар сифатида яна 4.650.000 сўм пулларни олиб, жами ҳисоблаганда 30.650.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида фуқаро Р.Садыковга тегишли “Спарк” русумли 01 G 192 GB давлат рақамли автомашина ашёвий далил сифатида олиниб, эгаси Р.Садыковга тилхат орқали қайтарилган.

Судланувчи Ю.Юнинг содир этган фирибгарлик жинояти натижасида Ф.Акбутаевга етказилган 30.650.000 сўм моддий зарардан 15.650.000 сўми қопланмасдан қолган.

Судланувчи Ю.Ю ўзининг жинойи ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 30 ноябрь куни Термиз тумани “Янгиер” маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Акбутаевга тегишли бўлган “Спарк” русумли 75 G 133 GA давлат рақамли автомашинани “Кобальт” русумли автомашинага алмаштириб беришини айтиб, ушбу автомашинани 52.000.000 сўм пулга ҳисоблаб олиб кетиб, унинг ишончини суиистеъмол қилиб, Б.Акбутаевга автомашина олиб келиб бермасдан, Термиз шаҳар “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Ходжамкуловга ушбу “Спарк” русумли 75 G 133 GA давлат рақамли автомашинани ўзига тегишли эканини айтиб, унинг ишончига кириб, Б.Ходжамкуловнинг ишончини суиистеъмол қилиб, Б.Акбутаевга тегишли ушбу автомашинани Б.Ходжамкуловга 45.500.000 сўмга сотишга келишиб, унинг 45.500.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида фуқаро Б.Акбутаевга тегишли “Спарк” русумли 75 G 133 GA давлат рақамли автомашина ашёвий далил сифатида олиниб, эгаси Б.Акбутаевга тилхат орқали қайтарилган.

Ю.Юнинг содир этган фирибгарлик жинояти натижасида Б.Ходжамкуловга етказилган 45.500.000 сўм моддий зарар қопланмасдан қолган.



Судланувчи Ю.Ю ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил ноябрь ойининг охирларида Термиз тумани Ат-Термизий маҳалласида яшовчи фуқаро А.Жуммаев билан унга тегишли “Кобальт” русумли 75 Z 765 МА давлат рақамли автомашинасини 90.000.000 сўмга сотиб олишга келишиб, келишилган пулларнинг 45.000.000 сўмини шу куннинг ўзида ва қолган 45.000.000 сўмини 1 ой ичида олиб келиб беришини айтиб, автомашинани олиб кетиб, А.Жуммаевнинг ишончини суистеъмол қилиб, автомашинани 2021 йил 14 февраль куни Денов тумани “Ўртабўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Ж.Ибрагимовга автомашинани расмийлаштириб беришда ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини айтиб, 70.000.000 сўм пулга сотиб юбориб, ундан 70.00.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборган. Ўз навбатида, Ж.Ибрагимов ушбу автомашинанинг фирибгарлик йўли билан топилганлигини билмагани ҳолда 2021 йил 18 февраль куни Денов тумани “Янги қишлоқ” маҳалласида яшовчи Х.Маматовга автомашинани 76.500.000 сўмга сотишга келишиб, ундан 73.000.000 сўм пулларни қабул қилиб олган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида фуқаро А.Жуммаевга тегишли “Кобальт” русумли 75 Z 765 МА давлат рақамли автомашина ашёвий далил сифатида олиниб, эгаси А.Жуммаевга тилхат орқали қайтарилган.

Ю.Юнинг содир этган фирибгарлик жинояти натижасида Х.Маматовга етказилган 73.000.000 сўм моддий зарар қопланмасдан қолган.

Судланувчи Ю.Ю ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2021 йил 1 январь куни Термиз тумани “Янгиер” маҳалласида яшовчи фуқаро К.Акбутаевга “1 ҳафтада 2017 йилда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашина олиб келиб бераман, ҳар ой 1.900.000 сўмдан 3 йил давомида тўловларини тўлаб борасиз” деб, ундан 18.200.000 сўм пулларини олиб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, К.Акбутаевга автомашина олиб келиб бермасдан, унинг 18.200.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Ю.Ю ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2021 йилнинг бошларида фуқаро С.Сайдалиевнинг “Нексия-2” русумли 01 W 689 MB давлат рақамли автомашинасини 8.000 АҚШ долларига пулини бўлиб тўлаш шарти билан ижарага олиб, С.Сайдалиевга олдиндан тўлов сифатида 2.000 АҚШ доллари (2020 йил 31 январь ҳолатига кўра, 1 АҚШ доллари 10.519 сўм) пулларини бериб, автомашина учун 24 ой давомида ҳар ойда 250 АҚШ долларидан бўлиб тўлаш, автомашинани сотмаслик ҳамда гаровга қўймаслик шарти билан олган бўлса-да, фуқаро П.Акбутаевга ушбу



автомашинани олиб келиб топшириб, автомашинани унинг номига расмийлаштириб беришини айтиб, П.Акбутаевнинг 30.000.000 сўм пулларини ҳамда 1 бош сигир ва 1 бош хўкизини 16.000.000 сўмга ҳисоблаб олиб, автомашинани номига расмийлаштириб бера олмасдан, П.Акбутаевнинг 30.000.000 сўм пуллари ва 16.000.000 чорва молларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, чорва молларини сотиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Протестда, суд ҳукмини ўзгартириб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаш сўралган.

Ю.Ю адвокати Р.Турсунов билан бирга берган шикоятда, иш бўйича унинг шериклари жавобгарликка тортилмаганлиги сабабли жиноят ишини ЖПКнинг 416-417-моддаларига тегишли процессуал ҳаракатлар ўтказиш учун прокуратурага қайтаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси судида судланувчи Ю.Ю, Ф.Акбутаевни алдаб 30.600.000 сўмни ўзлаштирганликдаги ҳолати бўйича ушбу жиноятни бир ўзи содир этмаганлиги, тергов органи бу ҳолат бўйича ўзини сўроқ қилмасдан айб эълон қилганлиги, аслида ушбу жиноятни Ф.Саломов билан бирга содир этганлиги, 2020 йил ноябрь ойининг 24-25 кунлари қўшниси Ф.Акбутаев уйининг олдида чақириб, ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли автомашинасини сотиб ўрнига “Спарк” русумли автомашинасини олишни айтиб, ушбу ишда ёрдам беришини илтимос қилганлиги, яқинда қўшниси Ш.Омоновга янги “Кобальт” русумли автомашинаси олиб келиб берганлиги, ўзининг машинасини сотганидан кейин лизингга машина топиб беришини айтганлиги, кейин бу ҳақда шериги Ф.Саломовга айтганлиги, шунда Ф.Саломов бу ишда ёрдам берса ўзининг харажатлари ва хизмат ҳақини олиб қолишини айтганлиги, кейин унинг таклифига рози бўлишганлиги, орадан бир кун ўтиб Ф.Саломов қўнғироқ қилиб, Тошкент шаҳрида ўзига олдиндан таниш бўлган одамида лизингга бериладиган автомашинаси борлигини, автомашина учун олдиндан 25-30 миллион сўм пул кераклигини айтганлиги, у Ф.Саломов айтган гапларни Ф.Акбўтаевга айтганлиги, Ф.Акбўтаев ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли автомашинасини сотганлигини айтиб, 26.000.000 сўм пулни бериб, бир иложини қилиб, лизингга яхшироқ “Спарк” автомашинасини олиб беришни айтганлиги, кейин Ф.Акбўтаевга автомашинани ҳайдаш ҳуқуқи ишончномасига кимларни киритишни сўраганида отаси Б.Акбўтаев, укаси Акбўтаев Фахриддин ва ўзининг паспорт нусхаларини бериб, уларни ҳам ишончномага киритиб келишни айтганлиги, 2020 йил 27 ноябрь куни Ф.Саломовни уйига бориб, пулни тайёрлигини, йўлга чиқиши мумкинлигини айтганлиги, шу куни 26 млн сўмдан ташқари ўзи билан 300 АҚШ доллари ҳам олганлиги, шу куннинг ўзида кечқурун Ф.Саломов билан бирга Тошкент шаҳрига йўл машинасида кетишганлиги, Ф.Саломовга 26 млн сўмни 2500 АҚШ доллари қилиб



берганлиги, Тошкент шаҳрида 28 ноябрь куни тонг саҳар Сергели автомашина бозорига боришганлиги, у ерда соат 14:00 ларга қадар Ф.Саломовни танишини кутиб ўтирганлиги, кейин Ф.Саломовнинг таниши Жавоҳир деган йигит келиб, автомашина эгаси билан келиша олмаганини, эртага келишини, бирорта “Спарк” русумли автомашинасини топиб беришини айтганлиги, эртаси куни соат 15:30 ларда Жавоҳир Ф.Саломовга телефон қилиб, таниши Р.Садыковда “Спарк” русумли автомашинаси борлиги, у ўзининг уйида кутиб турганини айтганлиги, кейин Садыков Рустамнинг олдида боришганлиги, шунда Р.Садыков 2019 йилда ишлаб чиқарилган оқ рангли 01 G 192 GB давлат рақамли автомашинасини лизингга беришини, 24 ойга 9.600 АҚШ долларига ҳисоблаб беришини, бошидан 2.000 АҚШ доллари бериш кераклигини, қолганини бўлиб-бўлиб, ойига 400 АҚШ долларидан беришни, пулларни тўлиқ тўлаб бўлганидан кейин расмийлаштириб беришини айтганлиги, Содыков Рустамнинг ўзини умуман танимаслиги, автомашинани Ф.Саломовга сотаётганини ва тилхат эса ўзи ёзиб беришини, лекин автомашина учун Ф.Саломов жавоб беришини айтиб, бошидан 2.000 АҚШ доллари ва ҳайдаш гувоҳномаси, ишончномаси учун 100 АҚШ доллари олганлиги, ишончномага ўзини, Ф.Акбўтаев, Б.Акбўтаев ва Ф.Акбутаевларни киргизиб берганлиги, Ф.Саломов билан шу куни автомашинани Р.Садыковдан олиб, суғурта компаниясига бориб, 180.000 сўмга суғурта қилиб Термизга қайтишганлиги, ҳамма ҳаражатлар 26 миллион сўм ичидан бўлганлиги, Тошкентдан автомашинани олган вақтида Ф.Саломов ўртага кириб, машинани олиб бергани учун 200 АҚШ доллари олганлиги, Тошкентга бориб машинани Ф.Акбутаевга бергунига қадар такси автомашинаси учун 400.000 сўм, овқатланиш учун 300.000 сўм, меҳмонхона учун 300.000 сўм, Тошкент шаҳрида овқатланиш ва такси машинасида юргани учун 500.000 сўм, Ф.Саломовнинг хизмат ҳақи учун 200 АҚШ доллари, яъни сўмга нисбатан қиймати 2.100.000 сўм, ишончнома учун 100 АҚШ доллари, сўмга нисбатан қиймати 1.050.000 сўм, суғурта учун 180.000 сўм, машинани балонларини таъмирлаш учун 120.000 сўм, бензинга 200.000 сўм, жами 5.050.000 сўм ҳаражат бўлганлиги, шу куни кечаси келганидан Ф.Акбўтаевга машинани берганлиги, биринчи ойлик пулини 400 АҚШ долларини ҳисоблаб 72.500.000 сўм пули қолганини ва бу пулларни ойма-ой 1.500.000 сўмдан бериб беришини айтганлиги, чунки ўзи автомашинани 400 АҚШ долларидан бериб бориб, 24 ойга қолдирмасдан расмийлаштириб олиб, Ф.Акбўтаевга уч йилга 1.500.000 сўмдан беришга келишганлиги, фойдаси кам бўлса-да, Ф.Акбўтаев қўшниси бўлгани учун унга яхшилик қилиш нияти бўлганлиги, ўзи декабрь, январь, февраль ойлари учун Содыков Рустамга 400 АҚШ долларидан 1200 АҚШ доллари берганлиги, бунга Ф.Саломов гувоҳ бўлганлиги, бу пулларни Р.Содыковнинг пластик



картасига ташлаганлиги, февраль ойининг бошида Ф.Акбўтаев телефон қилиб, автомашинани унинг номига расмийлаштириб беришни сўраганлиги, унга “ҳали икки ой бўлди, машинани пулини тўлаб бўлганинингиздан кейин расмийлаштириб бераман” деб айтганлиги, Ф.Акбўтаев қўшниси бўлганлиги учун автомашинани олганлиги учун ҳеч қандай видеотасвир ва ҳеч қандай тилхат ёздириб олмаганлиги, чунки уни қўшниси, ишончли одам деб ўйлаганлиги, февраль ойининг охирида Тошкент шаҳрига кетганлиги, март ойининг охирида Р.Садыковга қўнғироқ қилиб, ҳозир пуллари ҳал бўлмай турганлиги, тез орада пулларни олиб бориб, автомашинани ҳамма пулини тўлиқ бериб, автомашинани номига расмийлаштириб олишни айтганлиги, Р.Садыков эса ишларни тезлаштиришини айтганлиги, кейин пул бериши керак бўлган танишларининг ишлари ўхшамай қолганлиги сабабли анча вақт кутиб қолганлиги, орадан озроқ вақт ўтиб, Р.Садыков Термизга келиб Ф.Акбўтаевдан машинани олиб кетганлиги, бу ҳақда дастлабки тергов даврида билганлиги, чунки телефон апаратини йўқотиб қўйганлиги, Ф.Акбўтаев декабрь, январь, февраль ойлари учун 4.500.000 сўм пул берганлиги, Ф.Акбўтаевга январь, февраль ойларида машина ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса демаганлиги, Ф.Акбўтаев қўшнилари Омонов Шерпўлат ва унинг қонуний вакили Раънолардан гап сўзлар эшитиб, ИИБга ариза билан мурожаат қилганлиги, бу пайтда автомашина Ф.Акбўтаевнинг ўзининг ихтиёрида бўлганлиги, нима сабабдан ИИБга ариза ёзганини билмаслигини, бундан ташқари Акбўтаев Бобоназарни алдаб фирибгарлик йўли билан 52.000.000 сўм моддий зарар етказиб, 75 G 133 GA давлат рақамли “Спарк” русумли автомашинасини ўзлаштиришда айбланганлиги, бу ҳолатига ҳам қисман иқрорлиги, бу ҳолатни бир ўзи содир этмаганлиги, тергов органи бу ҳолат бўйича ҳам сўроқ қилмасдан айблаганлиги, аслида шериклари Саломов Файзулло ва Хуррамов Жонибек билан содир этганлиги, 2020 йил ноябрь ойининг охирлари декабрь ойининг бошларида тахминан 30 ноябрь, 1 декабрь кунлари ўзига олдиндан таниш бўлган қўшниси Б.Акбутаев телефон қилиб, уйига келишини айтганлиги, Б.Акбутаев ўзига тегишли бўлган “Спарк” русумли 75 G 133 GA давлат рақамли автомашинасини сотиб, ўрнига лизингга “Кобальт” русумли автомашинани олишда ёрдам беришини айтганлиги, шериги Ф.Саломовга телефон қилиб, лизингга “Кобальт” русумли автомашинаси кераклигини айтганлиги, Ф.Саломов бу ишга ёрдам беришини, лизингга автомашина топиб беришини айтиб, автомашина учун олдиндан бериладиган пулини тайёрлашни айтганлиги, Б.Акбутаевнинг автомашинасини шериги Ф.Саломов билан бирга сотиб олиб, Ф.Саломовнинг “Тех MEL Trans” номли такси уюшмасига киритиб, Ф.Саломов билан бирга фойда кўриш ниятида бўлиб, Ф.Акбўтаев билан машинани 52 миллион сўмга келишиб, 52 миллион



сўм эвазига Б.Акбўтаевга лизинг асосида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан “Кобальт” русумли автомашинасини олиб келишга келишганлиги, Б.Акбўтаев автомашинани урилмаганлигини, буёқ сепилмаганлиги, келгусида қилинадиган олди-сотди ҳужжатларида ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини ва айтган гапларини қайтмаслигини айтганлиги, Б.Акбўтаев қўшниси эканлиги, ёши катталиги, уни алдамаслиги учун Б.Акбўтаевдан ҳеч қандай тилхат ёки видеотасвирга тушириб олмаганлиги, бу келишувига Б.Акбўтаев рози бўлиб, “Спарк” русумли 75 G 133 GA давлат рақамли автомашинадан тўртта балонлари, орқа буфери ва стоп белгисини унинг ўғли Акбўтаев Фарход миниб юрган “Спарк” русумли 01 G 192 GB давлат рақамли автомашинаси балонлари, орқа буфер ва стоп белгисига алмаштириб олганлиги, шундан кейин автомашинани Хуррамов Жонибек билан бирга юндириш учун автомашиналар ювиш жойига берганлиги, шу вақт ўзига олдиндан таниш бўлган Зайниддин ака телефон қилиб, сотишга бирорта “Спарк” русумли автомашинаси бўлса, айтишини сўраганлиги, Зайниддин акага “Спарк” русумли машинасини борлигини ва уни сотишини айтганлиги, Хуррамов Жонибек билан Зайниддин аканинг иш хонасига боришганлиги, Зайниддин аканинг ёнида олдиндан таниш бўлмаган Хожамкулов Бозор бўлганлиги, Зайниддин ака Б.Хожамкуловни яқин таниши эканлигини ва автомашинани шу киши олмоқчи эканлигини айтганлиги, Зайниддин ака автомашинанинг нархини сўраганлиги, унга автомашинанинг нархини 55.000.000 сўм деб айтганлиги, Зайниддин ака ўзи усто бўлганлиги учун автомашинанинг ҳамма жойини текшириб кўриб, олд чап қаноти урилганлигини ва буёғи борлигини айтиб, автомашинага 40 миллион сўм беришини айтганлиги, у рози бўлмаганлиги, Б.Акбўтаев машина урилмаганлиги ва бўялмаганлигини айтганлиги, кейин шу ерда алданганлигини тушуниб, сўзидан қайтмаслиги учун Зайниддин ака ва Б.Хожамкулов билан автомашинани 45.500.000 сўмга келишиб сотганлиги, Б.Хожамкулов пулни уйдан санаб беришини айтганлиги. Ж.Хуррамов билан бирга Б.Хожамкуловнинг уйига бориб, пулни санаб олишганлиги, шунда Б.Хожамкулов машинани нотариус орқали расмийлаштириб олишини айтганлиги, шу вақт Б.Акбўтаевга телефон қилиб, қонуний вакили Жумаева Сулув опани ҳам фуқаролик паспортларини олиб, Термиз шаҳар нотариал идорасига келишларини айтганлиги, Б.Акбўтаевга автомашинаси сотилганлигини, олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштириш кераклигини тушунтирганлиги, Б.Хўжамкулов билан бирга нотариусга боришганлиги, нотариус ходими ушбу “Спарк” русумли 75 G 133 GA давлат рақамли автомашинани Термиз туман МИБда таъқиқда турганлигини, бунга сабаб Б.Акбўтаевни учта жаримани тўламаганини айтганлиги, сўнг Б.Акбўтаевга телефон қилиб, бу ҳақда айтганида, ҳақиқатдан ҳам



жаримаси борлиги, жаримани тўлаб туришини, кейинчалик келишиб кетишларини айтганлиги, сўнг жарималарни тўлаб, машинани таъқиқдан чиқариб, нотариусда Б.Хўжамқулов ҳозирги вақтда автомашинани олди-сотди шартнома қилмай, бош ишончнома қилганлиги, шунингдек А.Жуммаевнинг машинасини 90 миллион сўмга ҳисоблаб сотиб олиб, пулини бермасдан алдаб кетишда айбланган ҳолати бўйича ушбу жиноятни бир ўзи содир этмаганлиги, ушбу жиноятни шериклари Ф.Саломов, Ж.Хуррамов ва О.Жўраевлар билан бирга содир этганлиги, 2020 йилнинг ноябрь ойларида ўзига олдиндан таниш бўлган Ғ.Жумаев ака Жуммаев Амонлар лизингга бериладиган “Кобальт” русумли автомашинаси борлигини, агар керак бўлса, бориб кўриб, савдолашиб олишини айтганлиги, шериги Ж.Хуррамов, О.Жўраев ва Ғанишер акалар билан биргаликда А.Жуммаевнинг уйига боришганлиги, А.Жуммаевнинг “Кобальт” русумли 75 Z 765 МА давлат рақамли автомашинасини 90 миллион сўмга, икки ойга бўлиб тўлаш шарти билан олдиндан 45 миллион сўм бериб, кейин машинани олиб кетиб, қолган 45 миллион сўмини бериб, хоҳлаган кишига сотишга келишишганлиги, шу куннинг ўзида А.Жуммаевга 45.000.000 сўм пул бериб, автомашинани олиб кетишганлиги, ушбу автомашинани Қизириқ туманида яшовчи ўзига олдиндан таниш бўлган машина олди-сотдиси билан шуғулланиб юрадиган И.Жумаевга ўзлари келишган ҳолда 70 миллион сўмга келишиб, олдиндан 60 миллион сўм пул олиб, автомашинанинг қолган пулини расмийлаштириб берилаётган вақтда олишини айтиб сотишганлиги, орадан 2-3 кун ўтиб, И.Жумаев телефон қилиб, автомашинани бошқа бировга сотганлигини ва автомашинани расмийлаштириб беришини айтганлиги, А.Жуммаевга бу ҳақда айтганида, бир ҳафта кутиб туриши кераклигини айтганлиги, кейин улар 10 кун кутишганлиги ва 45 миллион сўм пулни А.Жуммаевга бериб, автомашинани расмийлаштириб олмоқчи бўлиб, А.Жумаевнинг уйига борганида. А.Жуммаев автомашина жиянининг номида эканлиги, ҳозирда ҳеч қандай хужжат қила олмаслигини айтиб, 45 миллион сўм пулни қайтариб бериб, автомашинани қайтариб олишини айтганлиги, И.Жумаевга бу ҳақда айтиб, ўзи бошқариб юрган “Жентра” русумли 01 А 751 МВ давлат рақамли автомашинани И.Жумаевга берган пулини қайтариб бермагунига қадар вақтинча туришини айтиб, “Кобальт” русумли 75 Z 765 МА давлат рақамли автомашинани олиб А.Жуммаевга берганлиги, орадан бир ҳафта ўтиб, А.Жуммаев телефон қилиб, лизингга “Каптива” русумли автомашинаси олмоқчи эканлигини, автомашина топиб беришни илтимос қилганлиги, кейин шериги Ф.Саломовга бу ҳақда айтганлиги, Ф.Саломов Тошкент шаҳрида 2 та “Каптива” русумли автомашинаси борлигини, автомашина эгаси таниши эканлигини, автомашинани лизингга беришини ва олдиндан 10.000 АҚШ доллари



бериб, автомашинани олиб келиб беришини айтганлиги ва телеграмдан автомашинанинг суратларини ташлаб берганлиги, кейин бу ҳақда А.Жуммаевга айтиб, суратларни кўрсатганлиги, А.Жуммаев уни уйига чақириб, “Кобальт” русумли 75 Z 765 МА давлат рақамли автомашинасини сотишини, энди хоҳлаган вақтда расмийлаштириб беришини ва ушбу автомашина пулига пул қўшиб, автомашина олишини айтиб, “Кобальт” русумли автомашинани сотиш учун берганлиги, автомашинани шериги Хуррамов Жонибек билан олдиндан таниш бўлган Рустам акага сотиб беришини айтиб, Рустам аканинг уйига боришганлиги, Рустам ака ушбу автомашинани ўзининг таниши Ибрагимов Жасурга 70 миллион сўмга келиштириб сотиб берганлиги, А.Жуммаевга телефон қилиб бу ҳақда айтганлиги, шундан кейин А.Жуммаев ушбу 70 миллион сўм пулни вақтинчалик ишлатиб туришини, бир ойдан кейин 30-40 миллион пул бўлишини ва ушбу пулни 70 миллион сўм пулга қўшиб, 10.000 АҚШ доллари қилиб, “Каптива” русумли автомашинаси олиб келишини айтганлиги, кейин Ж.Хуррамов ва Ф.Саломовлар билан бирга 70 миллион сўм пулга мол сотиб олиб, Мустафоқулов Акрамга гўшт маҳсулотлари учун бериб, пулни кўпайтириш мақсадида ишлатиб юборишганлиги, февраль ойининг охирида А.Жуммаевга Тошкент шаҳрига кетаётганлиги, А.Мустафоқуловдан топширган молларининг пулларини олиб келиш учун кетаётганини телефон қилиб айтиб кетганлиги, кейин А.Жуммаев билан гаплашмаганлиги, А.Жуммаев ҳеч қандай хабар бермасдан, уни ИИБга фирибгарликда айблаб ариза билан мурожаат қилганлиги ва “Кобальт” русумли автомашинасини Ж.Ибрагимовдан қачон ва қандай қилиб қайтариб олганидан хабари йўқлиги, тергов органи ҳам бу ҳақда ўзига айтмаганлиги, бундан ташқари тергов органи Акбўтаев Қахрамонни 18.200.000 сўм пулини фирибгарлик билан ўзлаштирган деб айблаган ҳолати бўйича ушбу жиноятни Ф.Саломов билан бирга содир этганлиги, 2020 йилнинг декабрь ойининг охирларида қўшниси Б.Акбўтаев телефон қилиб, уйига келишини айтганлиги, Б.Акбўтаевни уйига олдиндан таниш бўлган Акбўтаев Панжи ва олдиндан таниш бўлмаган Акбўтаев Қахрамон ўзининг ўғли билан ўтирганлиги, Б.Акбўтаев Акбўтаев Қахрамон ўзини укаси эканлигини айтиб таништирганлиги, Б.Акбўтаев укаси Қ.Акбўтаевга ҳам ўғли Акбўтаев Фарходга олиб келиб берган “Спарк” русумли автомашинасини лизингга олиб келиб беришни илтимос қилиб сўраганлиги, Қ.Акбўтаев орада 20 миллион сўмга томорқасини сотишини, агар хоҳласа шу томорқанинг 4 сотихини 20 миллион сўмга ҳисоблаб олишини айтганлиги, шу пулни автомашина учун олдиндан бериладиган пулига ҳисоблаб, лизингга автомашина олиб келиб беришини илтимос қилиб сўраганлиги, кейин у ўйлаб кўришини, агар шунақа машина топилиб қолса, албатта хабар беришини айтиб уйига кетганлиги, орадан 2-3 кун ўтиб, Қ.Акбўтаев унга телефон қилиб,



автомашина ҳақида сўраб қолганлиги, кейин шериги Ф.Саломовга телефон қилиб сўраганида, Ф.Саломов “Спарк” русумли автомашинани борлигини, автомашина лизингга берилишини айтиб, автомашинани расмлари ва нархини телефонига ташлаб юборганлиги, у ушбу расмларни Қ.Акбўтаевга юборганлиги ва ҳамма гапни айтганлиги, автомашина учун бошидан 2.000 АҚШ доллари бериши кераклигини ва бир ойга 1.900.000 сўмдан тўлаб боришини айтганлиги, орадан вақт ўтиб, 6 январь куни Қ.Акбўтаев кечқурун ўғли билан уйига келиб, 7 миллион сўм пул бериб, бу пуллар “Спарк” русумли автомашинаси учун эканлигини айтиб, “Бу пуллар сизда турсин, агар менда турса, ишлатиб юбораман” деб айтганлиги, у яна 13.000.000 сўм пулни кейинроқ беришни айтиб кетганлиги, орадан 2 кун ўтиб, яъни 8 январь куни Қ.Акбўтаев телефон қилиб, бир одамнинг уйига пулларни олиб келиш учун боришни айтганлиги, шериги Хуррамов Жонибек билан бирга Қ.Акбўтаевнинг автомашинага миндириб, олдиндан таниш бўлган Ғайрат исмли одамнинг уйига боришганлиги, Қ.Акбўтаев у одам билан гаплашганлиги ва ундан ҳеч нарса олмай қайтиб келганлиги, орадан бир ҳафта ўтиб, Қ.Акбўтаев телефон қилиб уйига чақирганлиги, унинг уйи олдида борганида, Қ.Акбўтаев 11.200.000 сўм пулни бериб, “Спарк” русумли автомашинасини олиб келишни, пулини устига ўзидан қўшиб туришини ва автомашина келганидан кейин ҳамма ҳаражатларини қоплаб беришини илтимос қилганлиги, кейин шериги Ф.Саломовга бор гапни айтганлиги, шериги Ф.Саломов бир ой кутиб туришни айтганлиги ва кейин бориб автомашинани олиб келишни айтганлиги, орадан 4-5 кун ўтиб, Қ.Акбўтаев телефон қилиб, автомашина ҳақида сўраганлиги, унга ҳозирда кутиб туришини айтганлиги, Қ.Акбўтаев ҳар куни яна сўрайверганлиги, шунда унинг жаҳди чиқиб, Қ.Акбўтаевга берган пулларини келиб олиб кетишини, бошқа безовта қилмаслигини айтганида, Қ.Акбўтаев келишганлигини, қўл ташлашганлигини ва гапидан қайтмаслигини, бошқа безовта қилмаслигини айтганлиги, шундан кейин февраль ойининг охирларида ўзининг пулини Мустафоқулов Акрамдан олгани Тошкент шаҳрига кетганлиги, бу орада Қ.Акбўтаев ҳеч нарса демасдан, ИИБга ариза билан мурожаат қилганлиги, шунингдек, тергов торгани томонидан Акбўтаев Панжини алдаб фирибгарлик йўли билан 76.000.000 сўмни ўзлаштирганликда айбланганликдаги ҳолати бўйича айбига қисман иқрорлиги, бу жиноятни бир ўзи содир этмаганлиги, ушбу жиноятни шериклари Хуррамов Жонибек ва Омонов Шерпўлат ва Саломов Файзуллолар билан бирга содир этганлиги, 2021 йил январь ойининг бошларида олдиндан таниш бўлган қўшнисини ва шериги телефон қилиб, Акбўтаев Панжи ака қўшнисининг уйига келишини айтганлиги, П.Акбўтаевнинг уйига борганида шериги Ш.Омонов П.Акбўтаев ўзига тегишли бўлган ер майдонидан озроқ ерини



30 миллион сўмга сотганлиги ва “Нексия” русумли автомашинасини сотиб беришни илтимос қилиб сўраганлиги, шериги Ш.Омоновга 30 миллион сўмга яхши “Нексия” русумли автомашинаси олиб бўлмаслигини тушунтирганида, П.Акбўтаев ва Ш.Омоновлар агар етмаса, молларини сотиб етказишини айтганлиги, шу вақтда П.Акбўтаев 30 миллион сўм пулни берганлиги ва автомашина топаверишини илтимос қилганлиги, Ш.Омонов билан П.Акбўтаевнинг уйдан чиққанидан кейин Ш.Омоновга 30 миллион сўм пул унинг уйда туришини айтиб, пулларни унга бериб уйига кетганлиги, шу вақт ўзининг “Жануб яшил диёр” фирмаси орқали шериклари Ш.Омонов, Ж.Хуррамов, Ф.Саломов ва Жумаев Шухратлар билан шерикчиликда мол ва гўшт маҳсулотларини ҳарбий қисмга, яъни ҳарбий қисмга таъминотчи бўлиб ишлайдиган Мустафоқулов Акрамга етказиб бериб, пулларни бир ойда олиб, иш қилиб юришганлиги, орадан 2-3 кун ўтиб, шериклари Ж.Хуррамов, Ф.Саломов ва Ш.Омоновлар билан маслаҳатлашиб, Тошкент шаҳридан П.Акбўтаевга “Нексия” русумли автомашина олиб келишни режалаштиришганлиги, шу пайт Мустафоқулов Акрам телефон қилиб, 10 та мол кераклигини айтганлиги, шунда Ш.Омонов ўзининг танишидан 4 та сигир олиб келиб, буларни 7 миллион сўмдан олганлиги, ҳарбий қисмларга 14 миллион сўмдан топширишини ва фойдани ўзаро шериклар бўлиб олишларини ва П.Акбўтаевнинг бир бош сигири ва бир бош танасини 16 млн сўмга ҳисоблаб олиб, уларни ҳам 14 миллион сўмдан ҳарбий қисмга сотиб фойдани бўлиб олишларини айтиб, П.Акбўтаевнинг бир бош сигири ва бир бош танасини 16 миллион сўмга ҳисоблаб олиб, бу пулларни олаётган “Нексия” русумли автомашинанинг пулига қўшиб, автомашинани олиб келишни айтганлиги, 6 та молни олиб А.Мустафоқуловга бериб юборишганлиги, А.Мустафоқулов пулини бир ой ичида беришни айтганлиги, кейин Ф.Саломов, Ж.Хуррамов ва Ш.Омоновда турган 30 миллион сўм пулни олиб, Тошкент шаҳрида автомашина олиб келишга кетишганлиги, Тошкент шаҳрида 2 кун “Сувчи” меҳмонхонасида туриб, “Сергели” автомашина бозорига боришганлиги, 28 январь куни автомашина бозорига ўзларига таниш бўлмаган Саидалиев Сарвар деган одамнинг “Нексия 2” русумли 01 W 689 MB давлат рақамли машинасини кўришганлиги, шунда Ф.Саломов, Ж.Хуррамов ва Саидалиев Сарвар билан автомашинани вақтинчалик лизингга олиб, тез орада пулини тўлиқ тўлаб, автомашинани расмийлаштириб олишларини айтиб, С.Саидалиев билан автомашинани 6000 АҚШ долларига келишиб, олдиндан 2000 АҚШ долларини бериб бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан ойига 250 АҚШ доллари бериб бориш шarti билан, агар яқин орада тўлиқ тўласа, автомашина нархи яна ҳам тушишини С.Саидалиев билан келишиб, бошидан 2.000 АҚШ доллари бериб, П.Акбўтаев ва ўзига бошқариш учун ишончнома учун 100 АҚШ доллари бериб,



автомашинани 180.000 сўмга суғурта қилиб олишганлиги, Ф.Саломов ва Ж.Хуррамовлар билан Термизга қайтиш олдидан Ф.Саломов 100 АҚШ долларини кераклигини, Ж.Хуррамов эса 500.000 сўм кераклигини айтиб пул олишганлигини, ушбу пуллар шериклиги учун олди-берди пуллар бўлиб турганлиги ва тенг бўлинганлиги, Тошкент шаҳрига боришида таксига 700.000 сўм, овқатланишига 1.000.000 сўм, мехмонхонага 300.000 сўм, ёқилғига 400.000 сўм, жами автомашина билан ҳисоблаганда 26.180.000 сўм бўлганлиги, 29 январь куни Термизга етиб келиб автомобилни П.Акбўтаевга берганлиги, кейин ҳарбий қисмдан, яъни А.Мустафоқуловдан пулларни олиб, автомобилни пулини тўлаб, кейин П.Акбўтаевга расмийлаштириб беришини айтиб, уйига қайтганлиги, П.Акбўтаев автомобилни ҳайдаб юрганлиги, орадан вақт ўтиб, автомобилни лизинг пули, яъни февраль ойи учун 31 январь куни соат 18:30 ларда ўзининг “Клик” ҳисоб рақами орқали С.Саидалиевнинг пластик картасига 1.050.000 сўм ва 1.550.000 сўм пул ўтказиб берганлиги, С.Саидалиев пулни тушганини айтганлиги, февраль ойининг охирларида А.Мустафоқуловдан топширилган молларнинг пулини олиш учун Тошкент шаҳрига кетганлиги, февраль ойининг охирларида С.Саидалиевга телефон қилиб, ҳозир пуллари ҳал бўлмай турганлиги, яқин орада ҳал бўлишини ва машинани пуллари тўлиқ тўлашини айтганлиги, бу гапларни П.Акбўтаевга ҳам телефон қилиб айтганлиги, сўнг П.Акбўтаев автомобилни нима қилганлиги, С.Саидалиев машинани қачон қандай қилиб олиб кетганлиги ва П.Акбўтаев билан нимани гаплашганлигини билмаслигини, П.Акбўтаев ИИБга қачон ариза билан мурожаат қилганини билмаганлиги, унинг жиноий шериклари ҳам жавобгарликка тортилса, зарар қопланган бўлганлигини инobatга олиб, шерикларини ҳам жиноий жавобгарликка тортишни сўраб кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья З.Нарзиевнинг маърузасини, прокурор Ш.Мустафаевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Р.Турсуновнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши материаллари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи Ю.Юнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, жабрланувчиларнинг аризалари, транспорт воситалари кўздан кечириш баённомалари, фотосуратлар, юзлаштириш баённомалари, нарсани ашёвий далил деб топиш қарор, шунингдек, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда иш ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган.



Гарчанд, судланувчи Ю.Ю жинойтни бир ўзи содир қилмаганлигини билдириб, важ келтираётган бўлса-да, судлов хайъати, унинг бу вазларини қуйидаги далиллар билан, яъни:

- жабрланувчи П.Акбутаевнинг апелляция инстанцияси судидаги, 2020 йил декабрь ойининг бошларида унга олдиндан таниш бўлган қўшниси Тоғаев Абдулатиф уйига келиб, унга 40-45 миллион сўм атрофидаги нархга Тошкент шаҳридан “Нексия-2” русумли автомашина олиб келиб беришини айтганлиги, шу пайтда у унинг гапларига ишониб рози бўлганлиги, сабаби Абдулатиф олдинроқ қўшниси Фарходга “Спарк” русумли, Шерпўлат акага “Кобальт” русумли автомашина олиб келиб берганлиги, сўнг у унга ишониб, 30 миллион сўм нақд пул берганлиги, қолганига молларини семиртириб беришни айтганлиги, 2020 йил 30 декабрь куни уйига Абдулатифнинг онаси келганлиги ва ўғли “военныйга” мол топшираётганлиги, 7 та мол етмаётганлигини айтганлиги, шу пайт Шерпўлатга ҳам онаси айтганлиги, шунда Шерпўлат Абдулатиф пулини беролмайди деганида, онаси “мен бераман” деб айтганлиги, шу пайтда Абдулатифнинг ўзи ҳам “Ака, уйингизда боқиб келаётган чорва молларингиздан беринг, мен бир жойга гўшт топшираяпман, шу билан орамиз узилади, машинага бошқа пул бермайсиз, шундан кейин машинани сизнинг номингизга ўтказиб бераман” деганлиги, у унинг гапларига ишониб, уйда бўлган бир бош сигири ва бир бош хўкизини 8.000.000 сўмдан жами 16.000.000 сўмга ҳисоблаб Абдулатифга берганлиги, шу пайтда Амонов Шерпўлат ҳам 4 бош сигирини Абдулатифга берганлиги, Абдулатиф ўзи билан бирга “Ат-Термизий” маҳалласида яшовчи Ж.Хуррамов ва С.Норбоев исмли йигитлар билан келиб, С.Норбоевнинг бошқарувида бўлган “Лабо” русумли автомашинасида ундан олган икки бош чорва молларини олиб кетганлиги, 2021 йил январь ойининг охирларида Абдулатиф унга “Нексия-2” русумли 01 W 689 MB давлат рақамли автомашинани олиб келиб берганлиги, у унга автомашинани олиб келиб бергандан кейин унинг номига расмийлаштириб беришни айтганлиги, лекин расмийлаштириб бермаганлиги, унга бошқариш учун ишончнома қилдириб келганлиги, ушбу ишончномага ўзи ва синглисини ҳам қўштириб келганлиги, 2021 йил февраль ойининг охирларида автомашинанинг эгаси тошкентлик Сайдуллаев Сарвар келганлиги ва уни Термиз шаҳридаги “Юбилейний” бозорининг олдида чақирганлиги ва унга автомашинасини қайтариб беришни, унга Абдулатиф 2.000 АҚШ доллари бериб, қолган пулларни бермаганини айтганлиги, шу пайтда у Абдулатифга телефон қилдирганлиги, шунда Абдулатиф телефонда Сарварга “Машинани олиб кетманг, мен қолган пулини ўзим душанба куни Сергели бозорига олиб бориб бераман” деб айтганлиги, кейин Сарвар Тошкент шаҳрига қайтиб кетганлиги ва ҳозирги кунга қадар унга телефон қилиб, “Абдулатиф менга пулини



бергани йўқ, 2.000 АҚШ долларни бераман, машинани қайтариб беринг ёки бўлмаса суддан кейин Сизга бир сўм ҳам бермай, машинани олиб кетаман” деб айтиб келаётганлиги ҳақида кўрсатув бериб, Ю.Юдан автомашинани унинг расмийлаштириб беришини ёки 46.000.000 сўм пулларини ундириб бериш, у фақат Ю.Ю билан гаплашганлиги, Ю.Ю уни алдаб кетганлиги, Ю.Юдан бошқа киши уни алдамаганлигини билдириб берган кўрсатуви билан;

- жабрланувчи Ф.Акбутаев вакили М.Юлдошованинг апелляция инстанцияси судидаги, Ф.Акбутаев унинг турмуш ўртоғи эканлиги, 2020 йил 24-25 ноябрь куни Ю.Ю уларнинг уйига келиб, турмуш ўртоғига 60-65 миллион сўмга, 3 йилга 1,5 млн сўмдан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан “Спарк” русумли автомашинани олиб келиб беришини айтганлиги, турмуш ўртоғи қўшниси бўлганлиги учун унинг гапларига ишонганлиги ва унга ўзларига тегишли бўлган 28.000.000 сўмга сал олдинроқ сотган “Матиз” русумли автомашинасининг пулидан 26.000.000 сўм нақд пулларни берганликлари, орадан уч-тўрт кун вақт ўтиб, ҳақиқатдан ҳам Абдулатиф уларга 2019 йилда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли 01 G 192 GB давлат рақамли автомашинасини олиб келиб берганлиги, Ю.Ю турмуш ўртоғига ушбу автомашинани Тошкент шаҳридан 72.500.000 сўмга сотиб олиб, пулини тўлиқ равишда ўзи тўлаганлиги, ўрталарида қолган суммани ойма-ой 1.500.000 сўмдан унга бериб боришини айтганлиги, турмуш ўртоғи унинг гапларига ишонганлиги, у Тошкентга кетишидан олдин турмуш ўртоғининг, қайнукасининг Фахриддин ва қайнотасининг паспорт нусхаларини олиб кетганлиги ва турмуш ўртоғининг номларини ҳам қўшиб ишончнома расмийлаштириб келганлиги, пулни тўлиқ тўлаб бўлганларидан кейин автомашинани уларнинг номига расмийлаштириб беришини айтганлиги, турмуш ўртоғи Абдулатифга 26.000.000 сўмдан ташқари, яна ойлик тўловлари учун 4.650.000 сўм пул берганлиги, Абдулатиф турмуш ўртоғига олиб келиб берган “Спарк” русумли 01 G 192 GB давлат рақамли автомашина ўзларида турганлиги, турмуш ўртоғи Абдулатиф билан телефон орқали гаплашганида, у турмуш ўртоғига “Ака, сизга олиб келиб берган машинанинг пули тўлиқ тўланган” деб айтганлиги, лекин ушбу автомашинанинг эгаси Садиков Рустам Абдулатиф ундан автомашинани 9.600 АҚШ долларига ойига 400 АҚШ долларидан 24 ойга беришга келишиб олганлигини, унга 2.000 АҚШ доллари берганлигини билганлиги, шунинг учун турмуш ўртоғи Термиз тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилганлиги, машинанинг олди-сотдисидан Ю.Юдан ташқари бошқа ҳеч ким аралашмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб, Ю.Юдан 15.650.000 сўм пулларини ундириб беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

- гувоҳ Ф.Саломовнинг апелляция судидаги, суданувчи Ю.Юни ганиши, унга нисбатан шахсий адовати йўқлиги, Ю.Юга нисбатан



эълон қилинган айблов эпизодларида иштирок этмагани, жумладан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Р.Садыковга тегишли “Спарк” русумли 01 G 192 GB давлат рақамли автомашинасини Ф.Акбутаевга сотилишида хабари борлиги, лекин ушбу автомашинанинг олди-сотди муносабатларда иштирок этмагани, шунингдек, ушбу автомашинанинг олинишида Тошкент шаҳрига Ю.Ю, ўзи ва Ж.Хуррамов боришгани, кўчада ўтирганлиги сабабли автомашина савдосига аралашмагани, автомашина учун пулларни Ю.Ю бергани, фақат Ю.Ю билан Р.Садыков ўртасида расмийлаштирилган тилхатни гувоҳ сифатида имзолаб бергани, “Спарк” русумли 75 G 133 GA давлат рақамли автомашина олди-сотди муносабатларида ҳам иштирок этмагани, автомашина учун Ю.Ю билан Б.Ходжамқуловнинг яшаш уйига бормагани, ушбу автомашинанинг сотиб олиниши ва сотилишида ҳам иштирок этмагани, уларнинг савдосига аралашмагани, ушбу автомашина пулидан олинган 45.500.000 сўм пул маблағидан манфаатдор бўлмагани, А.Жуммаевга тегишли “Кобальт” русумли 75 Z 765 MA давлат рақамли автомашинасининг олди-сотди муносабатида ҳам иштирок этмагани, шунингдек, Ю.Ю томонидан К.Акбутаевдан автомашина учун 18.200.000 сўм пулларининг олинишида ҳам иштирок этмагани, Тошкент шаҳрида яшовчи С.Сайдалиевга тегишли бўлган “Нексия-2” русумли 01 W 689 MB давлат рақамли автомашинасини ойига 250 АҚШ долларидан тўлаб бориш шарти билан олинганидан хабари борлиги, чунки ўша вақтда у ҳам Ю.Ю билан бирга бўлгани, бироқ Ю.Ю ва С.Сайдалиевнинг ўзаро олди-сотди савдосига аралашмагани, фақат улар ўртасида тузилган тилхатни гувоҳ сифатида имзолаб бергани, Ю.Ю билан ушбу айблов эпизодларида иштирокчи бўлмагани, автомашиналарнинг барча пул маблағлари фақат Ю.Ю томонидан берилгани, автомашина учун пулларни ўзида ёки уйда сақлаб келмагани ҳақидаги кўрсатуви билан;

- гувоҳ А.Жўраевнинг апелляция судидаги, Тоғаев Абдулатифни 2020 йилнинг декабрь ойидан бери таниши, 2020 йил декабрь ойининг бошида қўшниси Ғанишер бобони уйига борган вақтида у унга ҳовлисида турган оқ рангли “Спарк” русумли автомашинасини кўрсатиб, Абдулатиф исми таниши Тошкент шаҳридан олиб келиб берганлигини, Абдулатиф яна бир дона “Спарк” русумли автомашинаси олиб келиб беришини айтиб гаплашиб турган вақтларида унинг уйига Абдулатиф келиб Ғанишер бобога бир икки кунда иккинчи “Спарк” русумли автомашинасини олиб келиш учун кетишини айтганлиги, ўша вақтда Абдулатиф билан биринчи марта учрашиб гаплашганлиги, Абдулатиф келгунга қадар Ғанишер бобо ўзига тегишли бўлган Дамас русумли автомашинасини 60.000.000 сўмга ҳисоблаб Абдулатифга бериб, унинг ўрнига бошланғич тўлови 30.000.000 сўмлик бўлган “Спарк” автомашинаси олганлигини, қолган



тўловини ойма ой тўлаб боришини айтганлиги, у ҳам Ғанишер бобога агар Абдулатиф ўзидан пул қўшиб турадиган бўлса, унда ҳам 11.000.000 сўм пул борлигини, шу пулга “Спарк” русумли автомашина олиб келиб бермаслигини айтиб гаплашиб турганликлари, Абдулатиф келганидан кейин у унга 11.000.000 сўм пули борлиги, 30.000.000 сўмга етмайди, у ҳам бирга улар билан Тошкент шаҳрига борса, таниш билиш қилиб автомашина олиб келиши ҳақида сўраганлиги, уйда моли борлиги, сотиб 30.000.000 сўмга етказиб қўйишини айтган вақтида Абдулатиф унга Тошкент шаҳрида яшовчи поччаси билан гаплашиб кўришини айтганлиги ва шу вақтда унга телефон қилиб маҳалласида яшовчи ИИБдан пенсияга чиққан ака борлиги, 2.000.000 пенсия олиши, 11.000.000 сўм пул бериши, қолганини ўзидан қўшиб “Спарк” русумли автомашина олишни, у ҳам 2 дона “Спарк” русумли автомашинага пул тикиб қўйганлигини айтиб гаплашиб, унга иши ҳал бўлганлиги, уларга ҳам “Спарк” русумли автомашина олиб келишини айтганлиги, орадан бир кун ўтганидан кейин Абдулатиф уни уйига “Шерка” исмли такси ҳайдовчиси билан бирга келиб, ундан 11.000.000 сўм ва паспортини олиб кетиб, унга 2 кундан кейин Тошкент шаҳрига кетишларини айтганлиги, ўша вақтда Абдулатифни поччаси унга 2020 йилда ишлаб чиқарилган деб “Сапрк” русумли автомашинасини фотосуратини телеграмм орқали ташлаб бериб унга кўрсатганлиги, орадан 10 кун ўтганидан кейин кўнғироқ қилиб, уни уйига келганлиги, Абдулатиф уйига келиб банкдан пул чиқараётганлиги, эртага Тошкент шаҳрига чиқиб кетишларини айтиб поччаси билан телефонда гаплашган вақтда поччаси Абдулатифга пулни ва паспортларни Тошкентга жўнатиб юборишни, улар келгунга қадар ҳужжатларни тайёрлаб туришини айтганлиги, у шу орада 1.100 АҚШ долларига 3 сигирини сотганлиги, ўша куни Абдулатифга 1.100 АҚШ доллари бериб юборганлиги, орадан бир неча кун ўтганидан кейин Абдулатиф “Нексия-2” русумли автомашинада маҳаллага келиб уни, Омонов Шерпўлатни ва Оқбўтаев Панжи акаларга банкдан пулни олиб Тошкент шаҳрига чиқиб кетишларини айтиб, Термиз шаҳридаги Капитал банкни олдига олиб борганликлари, у уйдан чиққунига қадар ўзи билан 2.200 АҚШ доллари олиб чиққанлиги, Капитал банкни олдида турган вақтларида Абдулатифни отаси Абдумалик ака келиб, улар билан гаплашиб ўғлига ишонишни, банкдан пули чиқаётганлигини айтиб, қўлидаги ҳужжатларини кўрсатиб, уларни ишонтирганлиги, улар пул чиқишини кечга қадар кутиб ўтирганликлари, аммо пул чиқмаганлиги, кейин Абдулатиф Денов туманида яшовчи ким биландир гаплашиб, Денов туманидаги пул чиққанлигини айтиб, ўша ерга кетишларини айтганлиги ва у, Панжи ака, Шерпўлат ака ва Абдулатиф унинг автомашинасида Денов туманига бориб овқатланиб кеч бўлганлиги сабабли Денов автошоҳбекатида бориб автомашина ичида ухлаганликлари, тонг



отганидан кейин Абдулатиф телефонда гаплашиб, уларни кеч тушгунга қадар Денов туманида алдаб олиб юрганлиги, у Тошкент шаҳридаги поччасига қўнғироқ қилиб, Тошкент шаҳрида пул тайёр бўлганлигини айтиб, Тошкент шаҳрига кетишларини айтганлиги, улар Термиз туманига келиб, Панжи акани уйига ташлаб, “Жонка” исмли Абдулатифни танишини Термиз туманидан йўлдан олиб, ундан ўтиб, Учқизилда яшовчи “Файзи” исмли Абдулатифни танишини олганликлари, у йўлда Абдулатифдан “Файзи” кимлигини уни нима сабабдан олаётганликларини сўраганида “Файзи”сиз иш битмаслигини айтганлиги, улар Тошкент шаҳрига чиқиб кетганликлари, Тошкент шаҳрига бориб “Сувли” номли меҳмонхонага жойлашганликлари, орадан 1 кун ўтганидан кейин унга ваъда қилинган 2020 йил ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашина йўқлиги аниқ бўлиб, Абдулатиф унга 2012 йилда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашинани кўрсатганлиги, у ушбу автомашинани олмаслигини айтиб, Шерпўлат акага у ўзига тегишли бўлган 2013 йилда ишлаб чиқарилган автомашинани сотиб ўрнига 2012 йилда ишлаб чиқарилган эски автомашина олмаслигини ва уйга қайтиб кетишини айтганлиги, бундан ташқари Шерпўлат акага автосалондан олиб бериладиган “Кобалт” русумли автомашинани ҳам йўқлиги маълум бўлганлиги, аммо Абдулатиф Шерпўлат акага 2020 йилда ишлаб чиқарилган аммо минилган “Кобалт” русумли автомашинасини бошидан 2.000 АҚШ доллари тўлов қилиб лизинга олиб беришини, қолган пулни Абдулатифни ўзи тўлашини айтиб ишонтирганлиги, шу вақтда Шерпўлат ака ундан 2.000 АҚШ доллари қарзга бериб туришини сўраганлиги, у Шерпўлат акага рад жавобини берганидан кейин Абдулатиф унга эланиб, 2.000 АҚШ долларини бериб туришини сўраганлиги, у унга ҳам рад жавобини берганлиги, Абдулатиф ундан қарз сўраб ҳоли жонига қўймаганидан кейин Абдулатифни отаси Абдумаликка қўнғироқ қилиб, ўғли иши ўхшамаётганлиги, унга олиниши керак бўлган “Спарк” автомашинаси ҳам, Шерпўлат ака учун олиниши керак бўлган “Кобалт” русумли автомашина ҳам йўқлигини айтган вақтида Абдумалик ака унга ҳаммаси назорат остида машинани олишини, унга қадар банкдан пул ҳам чиқиши, келганидан пулларни қайтаришини айтиб уни ишонтирганлиги, орадан озроқ вақт ўтганидан кейин Абдулатиф уни олдига келиб, дадаси билан гаплашганлигани, пулни беришни сўраганлиги, у Абдумалик акани гапига ишонгани сабабли Шерпўлат ака ва “Жонка” олдида Абдулатифга 2.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулни санаб берганлиги, бир кун ўтганидан кейин меҳмонхона олдида Шерпўлат ака билан гаплашиб турганида Абдулатиф келиб, Шерпўлат акага “Кобалт” русумли автомашина учун яна 500 АҚШ доллари етмаётганлигини айтиб, яна пул сўраганлиги, Шерпўлат ака 100 АҚШ доллари пули борлигини айтиб чиқариб берганлиги, Абдулатиф унда



қолган 200 АҚШ долларини ҳам сўраган вақтда у унга 100 АҚШ долларини бериб, қолган 100 АҚШ долларини ўзим ишлатишини айтганлиги, Абдулатиф унга 2012 йилда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашинани бериб, ака “Сиз шуни миниб тулинг, Термизда ушбу автомашинага харидор бор, олиб бориб сотиб, сизга 2020 йилда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашина олиб бераман” деб унга 2012 йилда ишлаб чиқарилган “Спарк” русумли автомашинани бериб, у ва Шерпўлат акани Сергели туманида қолдириб, Файзи, Жонибек ва Абдулатифлар Абдулатифни поччасини уйига кетаётганлигини, у ердан пул олиб келиб, Шерпўлат акага “Кобалт” русумли автомашина олиб кетиши кераклигини айтиб, уччаласи соат тахминан 10:00 ларда кетишганликлари, соат тахминан 18:00ларда Шерпўлат акага Абдулатиф кўнғироқ қилиб, Самарқан вилоятида эканлигини айтиб, уларни Самарқандга чақирганлиги, улар Самарқанд вилоятига келиб Грибнойда Абдулатифлар билан учрашганликлари, Абдулатиф Шерпўлат акани олиб қолиб, уни уйга жўнатиб юбориб, яна Тошкент шаҳрига қайтиб кетишганликлари, у уйга қайтиб келганлиги, орадан тахминан 10 кун ўтганидан кейин уни уйига Бобур исмли шахс келиб, у миниб келган 01 890 давлат рақамли автомашина эгаси Сарвар ака билан телефонда гаплаштирганлиги, Сарвар ака Абдулатиф “Спарк” русумли атомашина учун 1000 АҚШ доллари берганлигини, қолганини 25 февраль кунида беришини айтиб тилхат ёзиб берганлигини, аммо шу кунга қадар унга бериши керак бўлган пулларни бермасдан телефонларини ўчириб ташлаганлигини айтиб, унга телеграмдан тилхатни ва аудиоёзувни ташлаб берганлиги, ҳақиқатдан ҳам Абдулатиф ундан олган 3.200 АҚШ доллари ва 11.000.000 сўмдан 1000 АҚШ долларини бериб қолганини ўзига олиб қолганлиги маълум бўлганлиги, у Сарвар акага автомашинасини олиб кетиб, унга 1000 АҚШ долларини қайтариб беришини айтганлиги, Сарвар ака уни уйига келиб, 1000 АҚШ долларини бериб, “Спарк” русумли ввтомашинани қайтариб олиб кетганлиги, бундан ташқари у Шерпўлат акадан “Кобалт” русумли автомашина нима бўлганлигини сўраганида Абдулатиф автомашина олиб беролмаганлигини айтганлиги, у Ю.Ю билан юрган вақтида бирон бир автомашинанинг олди-сотдисида аралашмаганлигини билдириб берган кўрсатуви билан;

**- гувоҳ Ж.Хуррамовнинг апелляция судидаги,** судланувчи Ю.Юни таниши, унга нисбатан адовати йўқлиги, судланувчи Ю.Ю айбланаётган айбловда унинг иштироки йўқлиги, ушбу автомашиналарнинг олди-сотдисидан хабари бўлса-да, бироқ савдосига аралашмагани, жумладан Тошкент шаҳрида яшовчи Р.Садыковга тегишли “Спарк” русумли 01 G 192 GB давлат рақамли автомашинасининг савдосида аралашмагани, Б.Акбутаевга тегишли бўлган “Спарк” русумли 75 G 133 GA давлат рақамли автомашинани



Б.Ходжамкуловга сотилишидан хабари борлиги, чунки автомашина сотилаётганда гувоҳ сифатида иштирок этгани, бу ушбу автомашина олди-сотдиси бўйича берилган тилхатда ҳам ўз тасдиғини топиши, лекин савдони Ю.Юнинг ўзи қилгани, унга ҳам аралашмагани, А.Жуммаевга тегишли “Кобальт” русумли 75 Z 765 MA давлат рақамли автомашинасининг савдосида ҳам аралашмагани, фақат автомашина сотилишидан олдин уни кўриб келиш учун А.Жуммаевнинг уйига ўзи, Ю.Ю ва Ф.Саломов билан бирга бориб кўришгани, кейин Ю.Ю автомашинани Қизириқ туманига унга нотаниш бўлган шахсининг уйида қолдириб, у одамдан қанақадир миқдорда пул олиб чиқиб, қайтишда йўлда “Эшонбобо” деган одамга ўша пулнинг ярмини бергани, “Нексия-2” русумли 01 W 689 MB давлат рақамли автомашинаси савдосига ҳам аралашмагани, сотилган ва сотиб олинган пуллардан манфаатдор бўлмагани, Термиз шаҳар ва туман йўналишда қатновчи Дамас автомашиналари йўналишида ишлаб юрган вақтлари амакиси Р.Маматов уни Ю.Ю билан таништириб, Ю.Юга сотиладиган автомашиналар кераклигини айтгани, кейин Ю.Юга уйдаги Спарк автомашинасини 1 йилга 40.000.000 сўмга лизингга савдолашиб кейин Дамас автомашинасининг ўрнига Кобалт автомашинаси чиқариб беришини айтиб, Дамас автомашинасини ҳам олиб кетгани, шу сабабли Ю.Ю қаерга борса у билан бирга бўлгани, Ю.Юнинг автомашинаси савдосидан манфаатдор бўлмагани ҳақидаги кўрсатуви билан;

- жабрланувчи С.Сайдалиевнинг апелляция судидаги, 2017 йилдан бери автомашиналар олди-сотдиси билан шуғулланиб келишлиги, 2021 йилнинг бошларида қўшниси Қахрамондан қаймоқ рангли “Нексия-2” русумли автомашинасини сотиб олганлиги ва шу куннинг ўзида ушбу автомашинани нотариус орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштириб, Миробод туман ИИБ ТРИБдан рўйхатдан ўтказиб, автомашинага 01 W 689 MB давлат рақамини олганлиги, кейин автомашинани тахминан бир ҳафта бошқариб юрганлиги, ушбу автомашинани насия савдо йўли билан сотиш мақсадида Сергели туманидаги автомашиналар бозорининг автомашиналар насия савдо қилинадиган жойига олиб борганлиги, у ерда сурхондарёлик Тоғаев Абдулатиф деган йигит Файзи деган йигит билан бирга келишганлиги, Абдулатиф ундан автомашинага олдиндан қанча тўлов қилиши кераклигини, қанча муддатга ва қанча тўлов қилиши кераклигини сўраганлиги, шунда у Абдулатиф билан автомашинани савдолашиб, олдиндан 2.000 АҚШ доллари бериб, кейин ойига 250 АҚШ долларидан бериб бориш шarti билан 24 ойга, яъни 2023 йил январь ойига қадар тўловларни амалга оширганидан кейин автомашинани унинг номига расмийлаштириб беришга келишишганлиги, Файзи деган йигит автомашинани олди-сотдисида аралашмаганлиги, у фақат Абдулатиф билан



гаплашганлиги, насия савдода келишув шу тариқа бўлишлиги, Абдулатиф унга автомашинани тоғаси бошқаришини, автомашинани унга олиб бераётганлигини, ишончномани тоғасига қилиб беришини айтганлиги сабабли, у нотариусга бориб, нотариусдан Акбутаев Панжи ака ва Тоғаев Абдулатифнинг синглиси, Тошкент шаҳрида яшайдиган Тоғаев Сурайёларнинг номига ишончнома қилиб берганлиги, Абдулатифнинг синглисининг номига ҳам ишончнома қилишининг сабаби, агарда Абдулатиф ижара пулини ўз вақтида тўлай олмаса, уни излаб Сурхондарёга эмас, синглисининг уйига боришга келишганлиги, сўнг Абдулатиф ишончнома ва автомашинанинг хужжатлари билан бирга автомашинани Сурхондарёга олиб кетганлиги, 2021 йил февраль ойининг охирига келиб, автомашинанинг ойлик ижара пулини бериш вақти келганлиги сабабли, Абдулатифга кўнғироқ қилиб, автомашинанинг ойлик ижара пулини тўлаш вақти келганлигини айтганида, у “эртага” деб уни алдаганлиги, эртаси куни телефон қилганида у яна қандайдир баҳона қилиб пулни беришни пайсалга солганлиги, сўнг у Абдулатифни топа олмасдан қолганлиги, Абдулатифнинг ижара пулини беришига кўзи етмаганлиги сабабли, 2021 йил март ойининг бошларида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига келиб, Акбутаев Панжи ака билан учрашиб, Абдулатиф унга олдиндан 2.000 АҚШ доллари бериб, кейин ҳар ой 250 АҚШ долларидан 24 ой бериб бориши, кейин мен автомашинани унинг номига расмийлаштириб бериши кераклиги, лекин биринчи ойдан ойлик тўловни тўламасдан қочиб юрганлиги айтганида, Панжи ака унга ушбу “Нексия-2” русумли автомашинани Тоғаев Абдулатифдан 46.000.000 сўм пулга сотиб олганини айтганлиги, у унга оддий ишончнома билан қандай қилиб, автомашинани сотиб олиши мумкинлигини айтганида, Панжи ака унга Абдулатиф “3 ойда автомашинани номингизга ўтказиб бераман” деганлиги учун унга пулларни берганини айтганлиги, у Панжи акага Абдулатиф билан бошқача келишганлигини, унга Абдулатиф берган 2.000 АҚШ доллари пулларини бериб, автомашинани олиб кетишини айтганида, у менга “20-25 кун сабр қилиб турунг, Абдулатиф топилсин, кейин гаплашамиз” деганлиги, шу билан у “хўп” деб қайтиб кетганлиги, ҳозирги кунга қадар унга автомашинаси қайтарилмаганлиги ва Абдулатиф томонидан ҳар ой берилиши керак бўлган пуллардан бирор сўм пул берилмаганлиги, у Ю.Ю берган 2.000 АҚШ долларини қайтариб беришга тайёр эканлиги, Ю.Юнинг бир ўзи уни алдаб, автомашинасини ундан олиб кетганлиги, бошқа биров бу ишга аралашмаганлигини билдириб берган кўрсатуви билан;

- гувоҳ Ш.Амоновнинг апелляция судидаги, Тоғаев Абдулатиф 2020 йил 8 июль куни уни уйига келганлиги ва унга қўйларни сотиш сотмаслигини сўраганлиги, у сўйиб ҳарбий қисмга топширишини ва пулини олиб келиб беришини айтганлиги, кейин 43 бош қўйларини



ҳар бирини 1,6 млн сўмдан насияга сотиб олганлиги ва таниши Хуррамов Жонибек билан келганлиги, Ж.Хуррамов савдога аралашмаганлиги ва Ихтиёр исмли боланинг Лабо русумли машинасида уч мартада 43 бош қўйларни ҳарбий қисмга олиб беришини олиб кетганлиги, лекин қаердаги ҳарбий қисмга олиб борганини айтмаганлиги, 2 кундан кейин Абдулатиф ва Жонибек келганлиги ва 4 бош қўйларини ҳар бирини 2.180.000 сўмдан насияга сотиб олганлиги, бу сафар ҳам Жонибек савдога аралашмаганиги ва буни ҳам ҳарбий қисмга сўйиб топшириб пулини олиб келиб беришини айтиб олиб кетганлиги, кейин у унга унинг қўйларини пули 78 млн сўм бўлганлиги, яна 2 млн сўм берса 80 млн сўм бўлишини, у ўзининг фирмасининг номидан “Кобалт” машинасига тўлов қилиши ва унга 20-24 кунда автомашинани чиқариб беришини айтиб уни ишонтирганлиги, кейин 2020 йил 5 август куни “Кобалт” русумли 75 О 278 МА давлат рақамли Тоғаев Жунойбек Махматқуловичнинг номида бўлган автомашинани олиб келиб, ушбу машинани унга олиб келганлиги, фирмасининг номида, отасининг укасининг номида, 6 ойдан кейин ўзини номига ўтказиб беришини айтганлиги ва 5 млн сўм беришни, метан газ қўйдирганлигини айтиб, ундан 5 млн сўм олганлиги, унга шу пайт ишончнома ҳам қилиб олиб келганлиги, қолган 10 млн 400 минг сўмни ўзини номига ўтказиб номер олгандан сўнг беришга келишганликлари, кейин у қариндошларни чақириб “мошин тўйи” қилганлиги, кейин машинани ишончнома асосида бошқариб юрганлиги, кейин 2020 йил 30 декабрь куни уйига Тоғаев Абдулатиф келганлиги, мол кераклигини, 12 та мол кераклигини, ҳарбий қисмга топшириши кераклигини айтганлиги, у мол йўқлигини айтганлиги, онаси Розия опа келганлиги ва мол беришни, у 2021 йил 10 январь куни молни пулини қўлингизга олиб келиб беришга кафолат беришини айтганлиги, у онасини гапига ишониб, рози бўлганлиги ва шу куни 4 бош катта сигирларини ҳар хил нархда жами 50 млн сўмга насияга сотиб олиб, қишлоғида яшовчи С.Норбоевнинг Лабо машинасини заказ қилиб иккитадан солиб ҳарбий қисмга олиб кетишини айтиб олиб кетганлиги, лекин қаерга олиб борганини билмаслиги, молни Ақром ака исмли шахсга топширишини айтганлиги, кейин 2021 йил 14 январь куни Абдулатиф 5 млн сўм олиб келиб берганлиги ва қолганини ҳам эртага индинга олиб келиб беришини айтганлиги ва тахминан 10 кунлардан кейин 3.000.000 сўм берганлиги ва қолганини “лукка” қилиб беришини айтиб кетганлиги, кейин 2021 йил 30 январь куни соат 21:00 ларда Тоғаев Абдулатиф телефон қилганлиги ва шарманда бўлганлигини айтганлиги, машина билан иссиқхона олдига келишни айтганлиги, у машинани миниб борганида ўзи билан бирга юрадиган 15 дамас қатнайдиған линиянинг каттаси бўлган Файзулла исмли бола билан кутиб турган бўлганлиги, унинг машинасига ўтирганлиги ва



Абдулатиф ака машинани олдинги эгаси кредит олганлигини ва машинан тақиқда турганлигини, у декабрь ойига келиб билиб қолганлигини айтганлиги, шу пайт унга бир одам телефон қилганлигини ва 2 соат срок берганлигини, энди нима бўлишини айтганлиги, Абдулатиф унга прокурор 2 соат муҳлат берганлигини, телефон қилган прокурор эканлигини, машинани қайтариб беришни, унга янги 2020 йилги “Кобалт” олиб келиб беришини айтганлиги, у унга ишонмаслигини, отасини олдиға боришни айтганлиги, отаси Тоғаев Абдумалик уйдан чиқиб келганлиги ва у ҳам машинага ўтирганлиги, у отасига тушунмай қолганлиги, 80 млн берганлигини, яна 5 млн берганлигини, ҳали молларни ҳам қолган пулини бермаганлигини, лекин машинани беришни сўраётганлигини айтганида, отаси Шерпўлатбой ундай вазият бўлса машинани беришни, 5 кундан кейин ўзидай “Кобалт” олиб келиб беришларини айтганлиги, қандай олиб беришларини сўраганида, отаси машинасини сотиб бўлса ҳам уйини сотиб бўлса ҳам олиб беришини айтганлиги, у уларнинг гапига ишониб, машинани бериб юборганлиги, Абдулатиф машинани прокурорга олиб кетишини айтиб, миниб кетганлиги, 5 кундан сўнг уни Абдулатиф Термиз шаҳридаги Капитал банкка машина олиб беришини айтиб олиб борганлиги, шу ерда битта “Кобалт” машинасини кредитга олишни ҳисоб китоб қилганларида 126 млн сўм бўлганлиги, шу пулдан ташқари банкка ҳам 9% тўлаш керак бўлганлиги, у унча тўлолмаслигини, 95 млн. тўлашини, 85 млн берганлигини, яна 10 млн беришини айтганлиги, кейин отаси телефон қилганлиги ва отасига унча пулни тўлолмаслигини айтганида, бўлмаса қолганини ўғли тўлашини айтиб бақирганлиги, ўғли телефонни олганлиги ва деновлик ошналари 2020 йилги “Кобалт”ни 106 млн сўмга сотишини айтаётганлигини айтганида, дадаси ўғлига шуни олиб беришни айтганлиги, эртаси куни у, Абдулатиф, Файзулло, Жонибеклар билан Денов туманига борганликлари, уларни бир жойга тушириб Файзи иккаласи бир жойга кетганликлари, айланиб келиб автомат каробка эканлиги, олишни таклиф қилганлиги, у уни ҳайдашни билмаслигини олмаслигини айтганлиги, шу пайт унга телефон қилганлиги, Тошкентда кўшниси Музаффарни номидан тўлов қилинган 2021 йилди янги “Кобалт” салонда турганлиги, Музаффар отказ қилганлигини, 45 млн. сўм Абдулатиф тўлашини, Абдулатиф машинани Музаффарни номидан унинг номига чиқарилса 2,6 млн яна тўлашини айтганлиги, у рози бўлганлиги айтганлиги, кейин шу куни кечаси у, Абдулатиф, Файзулла, Жонибек, Омон исмли болалар билан Тошкент шаҳрига йўлга чиқиб эртаси куни Тошкентга борганликлари, Абдулатиф уларни меҳмонхонага ташлаганлиги, Файзи иккаласи машинани олиб келишларини айтиб кетганликлари, тушдан кейин иккаласи келганлиги, Музаффарни номидаги машина нима бўлди



деса, бошқа биров олиб кетганлиги, бошқа олиб беришини айтганлиги ва иккинчи кун Сергелидаги машина бозорига олиб борганлиги, лекин машина олиб беролмаганлиги, чўнтагида пули бўлмаганлиги, шунда Абдулатиф Самарқандга бориб Акрам исмли ҳарбий акасидан молни пулини олиб келишларини, 223 млн пул олиши кераклигини айтганлиги, кейин Самарқандга икки машина бўлиб келганликлари, Абдилатиф Омонга Тошкентдан Спарк олиб берганлиги ва шу машинада у, Омон билан Самарқандга келганлиги, Абдулатиф, Файзи Жонибек уччаласи Нексияда келганлиги, кейин Омон иккаласига нон сотадиган ерда кечаси кутиб туришларини айтганлиги ва улар кутиб турганликлари, кейин Абдулатиф келиб Акрам акани 14 минг доллар билан пора билан қўлга олиб қамаб қўйишганлигини, укаси пулни Тошкентга олиб борганлигини айтганлиги, Омон машинаси билан Термизга кетганлиги, у Латифлар билан Тошкентга келганлиги, кейин отасига телефон қилиб ўғлини пули йўқлигини, машина олиб беролмаслигини, уларни сарсон қилиб юргалигини айтганлиги, отаси қайтишни айтганлиги, шунда Тошкентда Абдулатиф машина чиқиб қолганлигини, қанча пули борлигини сўраганида, 100 доллар пули борлигини айтганлиги, шу пулни унга берганлиги, бир айланиб келганидан сўнг машина тўғри келмаганлигини айтиб, 100 АҚШ доллари пулини ҳам қайтариб бермаганлиги, кейин шу куни уйга йўлга чиқиб қайтиб келганликлари, Ю.Ю унга машина олиб беришини айтиб, алдаб келганлиги, бу ишларда бошқа шахс аралашмаганлигини билдириб берган кўрсатуви билан ўз тасдиғини топмади деб ҳисоблаб, унинг бу важлари етказилган зарарни қоплаш мақсадида ўйлаб топилган важ деб ҳисоблаб, рад қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти



ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи босқич суди судланувчи Ю.Юга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 3-бандидаги “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида” ги тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ва етказилган зарар қопланмаганлигини эътиборга олиб, қонун санкциясида назарда тутилган жазо тайинлаб, асосли ва адолатли хулосага келган бўлса-да, Бироқ, суд судланувчи Ю.Юга нисбатан жазо тайинлашда ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган бўлса-да, ЖКнинг 57-моддасини қўлламасдан, қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, хатоликка йўл қўйган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати протестни қаноатлантириб, Ю.Юга нисбатан чиқарилган суднинг ҳукмини ўзгартиришни, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>17</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>, 497<sup>36</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2021 йил 17 декабрдаги Ю.Юга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

Ю.Юга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.



Протест қаноатлантирилсин.  
Шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

А.Мирзаев

Ҳайъат судьялари:

Т.Бекпулатов

З.Нарзиев

